

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРСЛОНОВ АБДИМУРОД КАРОМАТОВИЧ

**“ТЕМУРНОМА” ЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ-
ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 091 (575):821.512.133 (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Арслонов Абдимурод Кароматович

“Темурнома”ларнинг қўлёзма манбалари ва қиёсий-текстологик тадқиқи...3

Арслонов Абдимурод Кароматович

Рукописные источники и сравнительно-текстологическое исследование
“Темурнаме”25

Arslonov Abdimurod Karomatovich

Manuscript sources and comparative-textological studies of
“Temurnoma”s.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРСЛОНОВ АБДИМУРОД КАРОМАТОВИЧ

**“ТЕМУРНОМА” ЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ ВА ҚИЁСИЙ-
ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD /Fil1195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети веб-саҳифасининг www.navoiy-uni.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодмонов Нафас Намозович,
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Эркинов Афғандил Содирхонович,
филология фанлари доктори

Зоҳидов Рашид Фозилович,
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик
университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “03” сентябр соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (835 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “24” сентябр куни таркатилди.
(2021 йил «24» сентябр даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожиiddinov

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.Жабборов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда буюк тарихий шахслар – жаҳонгирлар, саркардалар, файласуфлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ҳамда фаолиятига доир манбаларни турли фан сатҳларида, жумладан, матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича аллақачон бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буюк тарихий шахслар ҳаётига доир манбалар ўз даврининг энг моҳир ижодкорлари томонидан яратилганидан ташқари, улар устида ўтказилаётган матн тарихи тадқиқотлари илм ва ижод аҳлидан бўлган мухлисларнинг ислоҳ қилишлари билан ҳам такомиллашиб борганини кўрсатади. Шунинг учун, кичик ёзишмаларга ҳам, баъзан, бадиий ижодий дурдоналар сифатида қаралиб, уларнинг яратилиши билан боғлиқ омиллар илмий тадқиқ этилади. Улар инсоният маданий такомилнинг феноменологик ва психологик хусусиятларини ҳамда бадиий тафаккур эволюциясида бағишлов битиклари ўйнаган ролини ойдинлаштириши билан аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида XIV асрда яшаган буюк фотиҳ Соҳибқирон Амир Темур шахсининг бадиий талқинини яратишга интилиш борган сари ортмоқда. У яшаган даврдан кейинги дастлабки асрларда вужудга келган тарихий ва бадиий асарларда бу мураккаб шахс сиймосига муносабат мусбат ва манфий нуқтаи назарлардан иборат аралаш кўриниш олган бўлса, кейинги асрларга келиб у амалга оширган ислоҳотларнинг жаҳоншумул аҳамиятини ёритиш устуворлик касб этмоқда. Ғарб адабиётшунослари жараённинг бундай тус олишини эътироф қиладилар. Бироқ бу борада Амир Темур сиймоси ёритилган форс ва араб тилидаги манбаларга кўпроқ диққат қаратилаётгани айрим чигалликларга сабаб бўлаётир. Жараёнга туркий тилдаги манбаларни олиб кириш, бунинг учун туркий – эски ўзбек тилида ёзилган айни мавзудаги қисса ва дostonлар устида таҳлиллар ўтказиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон ҳудудида халқ китоби кўринишида вужудга келган Амир Темур ҳақидаги қисса ва дostonлар алоҳида силсилани ташкил этади. Уларнинг маълум қисми форс тилида яратилган бўлса, бошқа бир қисми туркий-чиғатой тилида битилган. Истиклол йилларида Амир Темур тарихини кенг кўламда ўрганиш изга тушди. Соҳибқирон сиймоси бадиий талқинига ҳам эътибор қаратилди. “...Аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган”¹. Кейинги даврда ўтмиш ижодкорлар яратган бадиий асарларни матний тадқиқ этиш бир қадар йўлга қўйилгани эътирофга лойиқ. Лекин, таъкидлаш жоизки, асрий анъаналаримиз, миллий кадрларимиз,

¹Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.

маънавий-маданий бойликларимизни тиклаш, бадиий меросимизни холис ўрганиш масаласида ҳали муаммолар ўз ечимини тўлалигича топган эмас. Жумладан, буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишлаб ёзилган “Темурнома”лар матни ва уларнинг қўлёзма манбалари монографик тарзда ўрганилмаган. Шунинг учун бу шахс ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий-тарихий асарлар қўлёзмаларини қиёсий-матний ўрганиш ва “Темурнома”ларни матншунослик ва адабий манбашунослик эришган ютуқлар асосида қайта тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Шунга кўра, Амир Темур ҳаёти ва унинг ҳукмронлик даври ёритилган “Темурнома” каби бадиий-тарихий асарларни қиёсий-матний тадқиқ этишга катта эҳтиёж бор. Бу ҳолатлар ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бажариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўлёзмаларнинг қиёсий-матний тадқиқи, матн тарихи ва таҳрири масаласи дунё ва ўзбек матншунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Ушбу илмий муаммонинг назарий ва амалий масалалари рус матншунослари Д.С.Лихачев², Б.В.Томашевский³ илмий ишларида, шунингдек, ўзбек олимлари П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, Ш.Сирождидинов,

² Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X–XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001, стр. 34-35.

³ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – Москва: 1959, – С.148.

Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов, Қ. Пардаев тадқиқотларида ёритилган⁴. Адабиётшунослик, манбашунослик ва фольклоршуносликда “Темурнома” юзасидан бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Улардан П.Равшановнинг “Темурнома” асарига умумий характердаги тавсиф сифатида берилган сўзбошиси, А.Қаюмовнинг манбашуносликка оид “Темурнома”ларнинг тошбосма ва кўлзма нусхалари қиёсий таҳлиliga бағишланган рисоласи, Б. Эрматовнинг “Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввур ва талқинлар)” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси, О.Дадабоевнинг “Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини” номли диссертациясининг “Ғарб ва Шарқ адабиётида Амир Темур образи: эпик анъана ва тарихийлик тамойили” бобида Кристофер Марлонинг “Буёқ Темур” ва “Темурнома” асарлари қиёсий таҳлиliga бағишланган ишлари ҳамда И.Саидқуловнинг “Ўзбек халқ тарихий насида эпик сюжет ва образ эволюцияси (“Темурнома” мисолида)” номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари эътиборга молик⁵. Амир Темур ҳаёт йўли ва темурийлар салтанатини ўрганиш XV асрдан бошланган бўлса-да, у ҳақидаги адабий манбаларнинг қиёсий-матний тадқиқи матн тарихи ва таҳрири нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

⁴Шамсиев П. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н... дис. – Тошкент, 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д. ...дис. – Тошкент, 1970; Сулаймон Х. “Хазойин ул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари //Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959, – Б.5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари //Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.56-63; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б.7-9; Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: Баёз, 2014; Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари // Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. (Илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б.28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари // Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари. (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент, Adabiyot uchqunlari, 2016. – Б.99-105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари // Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари. (Республика илмий анжумани материаллари). – Қарши, Насаф, 2019. – Б.3.7; Олтин ёруғ. 1-китоб (Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмонов). – Тошкент: Фан, 2009; 2-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013; Болтабоев Ҳ. Матн ва унинг филологик фанлар тизимидаги ўрни // Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2019; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Тошкент: 1997; Алишер Навоий “Хамса”си талқини (XV–XX аср боши). – Тошкент: Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Тошкент, 2019; Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба. – Тошкент: Muhammad, 2009. – Б.22-26; Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини: Фил.ф.д. ...дис. – Тошкент, 2019; Зоҳидов Р. “Саботул ожизин”. (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.184-185.

⁵Темурнома: Амир Темур жангномаси (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П.Равшанов). – Тошкент. Чўлпон, 1990; Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Б. Эрматовнинг “Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввур ва талқинлар): Филол. фан. док. ... (DSc) дис. – Тошкент, 2019; Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини: Филол. фан. бўйича фалсафа док. ... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Саидқулов И. Ўзбек халқ тарихий насида эпик сюжет ва образ эволюцияси (“Темурнома” мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа док. ... (PhD) дис. – Тошкент, 2020.

Диссертация мавзусининг иш бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Матншунослик ва адабий манбашунослик: талқин ва тадқиқ” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Темурнома”ларнинг қўлёзма ва тошбосма манбалари нусхалари ҳамда нашрларини қиёсий-матний таҳлил қилиш, Амир Темур ҳақидаги адабий манбаларнинг матн тарихи, таҳрири ва талқини муаммоларини илмий асослаш, “Темурнома”ларнинг миллий адабиёт тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Амир Темурга бағишлаб ёзилган дostonлар манбаларини тўплаш ва уларни тавсифлаш;

Амир Темур ҳақидаги дostonлар матнини жорий алифбога табдил қилиш намунасини ишлаб чиқиш;

“Темурнома”лар қўлёзма манбаларини ўрганишнинг методологик асосларини аниқлаш;

матн тарихи ва таҳририга доир назарий қарашлар тадрижини очиб бериш;

“Темурнома” ва Амир Темурга оид адабий манбаларнинг қўлёзма ва нашр нусхаларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 5738 рақамли *قصهء امير تيمور* (“Қиссаи Амир Темур”), 185/І рақамли *داستان امير تيمور* (“Достони Амир Темур”), 4105/ІІ рақамли *قصهء امير تيمور* (“Қиссаи Амир Темур”), 7737 рақамли *داستان امير تيمور* (“Достони Амир Темур”), 5398/І рақамли *تيمورنامه* (“Темурнома”) асрлар қўлёзмалари ва 290 рақамли *جنکنامه امير تيمور کورکان* (“Жангномаи Амир Темур Кўрагон”) асарининг тошбосма нусхаси асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Амир Темур образи яратилишининг тарихий-бадий омиллари ва “Темурнома”лар манбаларининг матний ҳамда қиёсий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, қиёсий-тарихий, социологик, тизимлаштириш ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амир Темур сиймосининг ёзма манбаларга трансформацияси Соҳибқирон яшаган даврда тарихий асарлардан бошланиб, кейинчалик эса бадий адабиётда давом этганлиги, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик манбаларда акс этиши бу буюк шахс феноменининг бадий асарларга кўчишида бир кўприк вазифасини бажарганлиги, у билан боғлиқ ривоятсимон ҳикоятлар ва халқ дostonлари сюжети бирламчи манбалар асосида очиб берилган;

“Темурнома”ларнинг вужудга келишида форс тилидаги Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи

Таймур” каби тарихий асарлари, Ашраф Мароғий, Хотифий ва Мирзо Румузларнинг “Темурнома” (“Зафарнома”) сингари бадий асарлари ҳамда халқ оғзаки ижоди унсурлари ва услубларига таянилгани асосланган;

“Темурнома”лар жанрий хусусиятига кўра, халқ китобларига яқин туриши – Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида халқ орасидаги ҳикоят ва ривоятларнинг халқ китоблари тарзида умумлаштирилгани, “Темурнома”лар насрий йўлда ёзилганлиги боис воқеалар халқ китобларининг тузилишига хос бўлган анъанавий қолип жумлалардан кенг фойдаланилганлиги мисоллар орқали исботланган;

“Темурнома”лар матни тарихи ва талқини натижасида ўзбек мумтоз адабиётида яратилган Умар Боқий ва Маҳзун каби ижодкорларнинг қиссалари ҳамда “Қисаси Рабғузий”, “Шажарайи тарокима” сингари насрий асарлар билан умумий белгиларга эга экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Темурнома”лар вужудга келишини таъминлаган назарий асослар ва амалий тажрибалар аниқланган ва тизимлаштирилган;

ўзбек ва форс тилларидаги “Темурнома”лар ягона илдизларга эга экани, бир маданий-адабий муҳит маҳсули сифатида майдонга келгани исботланган;

“Темурнома”ларнинг Шарқ мумтоз поэтикаси тараққиётида тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Шарқ мумтоз насри, хусусан, “Темурнома”лар тарихи ва уларнинг ўзбек бадий-тарихий насри ривожига кўрсатган таъсири тўғрисида юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани, тадқиқот доирасига бирламчи адабий ёзма ёдгорликлар, хусусан, ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган *قصه امير تيمور* (“Қиссаи Амир Темур”), *داستان امير تيمور* (“Достони Амир Темур”), *تيمورنامه* (“Темурнома”), *جنګنامه امير تيمور کورکان* (“Жангномаи Амир Темур Кўрагон”) номлари билан юритиладиган 5738, 185/І, 4105/ІІ, 7737, 5398/І, 290 инвентарь рақамли асарлар қўлёзма ва тошбосма нусхалари асос сифатида жалб этилгани ва улардан фойдаланилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослиги назариясига оид қарашлар, шунингдек, Амир Темур ҳақидаги бадий-тарихий асарлар матнлари илмий муомалага киритилган ва таржима қилинган манбалар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, матншунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида истифода этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти “Матншунослик ва адабий манбашунослик”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Мумтоз поэтика асослари” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, мазкур фанлар мазмунини бойитиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Темурнома”ларнинг қўлёзма манбалари ва қиёсий-текстологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Темурнома”ларнинг вужудга келишида форс тилидаги тарихий ва бадий асарлар ҳамда халқ оғзаки ижоди унсурлари ва услубларига таянилганига, Соҳибқирон феноменининг ёзма адабиётга трансформациясида халқ оғзаки ижоди алоҳида ўрин тутганлиги, оғзаки ижоддаги эпик тафаккурнинг дostonлар, афсоналар, ривоятлар орқали ёзма адабиёт сари ёки тарихий асарлар, солномалар орқали халқ оғзаки ижодига ўсиб бориш силсиласини ёритишга оид илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-0005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 апрелдаги 17.01/41-сон маълумотномаси). Натижада Шарқ мумтоз поэтикаси ва фольклоршунослиги тараққиётида бадий-тарихий насрнинг тутган ўрнини белгилаш имконини берган;

“Темурнома”лар тақомили эволюциясида дохий идеали ғояси устуворлик касб этгани ва жанрий хусусиятига кўра, халқ китобларига яқин туришига оид илмий хулосалардан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанр ва турларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 апрелдаги 17.01/41-сон маълумотномаси). Натижада халқ китобларининг вужудга келишини таъминлаган назарий асослар ва амалий тажрибаларни аниқлашга ва тизимлаштиришга хизмат қилган;

“Темурнома”ларнинг қўлёзма манбалари, ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, Амир Темур феноменининг ёзма адабиётга трансформацияси каби масалаларга оид илмий-назарий маълумотлардан Сурхондарё телевиденияси дастурларидан ўрин олган кўрсатув ва радиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 январдаги 01-01/12-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва радиоэшиттиришларни маънавий-маърифий жиҳатдан бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси

бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 1 та матн табдили, 12 та илмий мақола, шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазибалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Амир Темур феноменининг ёзма манбаларга трансформацияси тадқиқи”** деб номланган биринчи бобида Амир Темур сиймосининг ёзма манбаларда талқин қилинишига асос бўлган омиллар, “Темурнома”ларнинг вужудга келишида форс тилидаги тарихий ва бадий асарлар ҳамда халқ оғзаки ижоди унсурлари ва услубларига таянилгани ва жанрий хусусиятлари ёритилди.

Бобнинг *“Амир Темур ҳақидаги қўлёзма манбаларнинг тарихийлик характери ва таснифий таҳлили”* деб номланган дастлабки фаслида Соҳибқирон Амир Темур феноменининг ёзма манбаларга трансформацияси жараёни, Соҳибқирон сиймосини тарихий асарлардан бадий адабиётга кириб келиши ва бу жараёнга таъсир кўрсатган манбалар тадқиқ этилди. Амир Темур феноменининг ёзма адабиётга кўчишида асос бўлган манбаларни қуйидагича таснифлаш тўғри бўлади: тарихий солномалар – “Зафарнома”лар ва тарихий асарлар; Амир Темур саройида бўлган элчиларнинг кундаликлари; ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик асарлар; Амир Темур билан боғлиқ ривоятсимон ҳикоятлар ва халқ дostonлари; “Темурнома”лар.

Буюк саркарданинг ҳарбий юришларида иштирок этган Ғиёсиддин Али ибн Жамол Яздий “Ҳиндустоннинг ғазавоти рўзномаси”ни (1399–1403) ёзиб, Соҳибқиронга тақдим этган. Бу асар кейинроқ Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларига асос вазифасини бажарган. Мазкур асар Л.А.Зимин томонидан матний тадқиқ этилиб, нашр этилган⁶ ва А.А.Семенов томонидан рус тилига таржима қилинган⁷.

⁶ Дневник похода Тимура в Индию Гияс-ад-дина Али. С приложением соответствующих отрывков из “Зафарнаме” Низам-ад-дина Шами. Издание Л.А.Зимина, под ред. В.В.Бартольда. Петроград.1915.

⁷ Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловия и примечания А.А.Семенова. Москва, 1958.

Соҳибқироннинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти ўз даврининг етук тарихчи олимлари томонидан муфассал тасвирланган. Хусусан, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий каби тарихнавислар ўз “Зафарнома”ларида Амир Темур фаолиятини алоҳида акс эттирдилар. Ибн Арабшоҳ, Ғиёсиддин Али, Ҳофиз Аbru ва Мирхонд каби етук тарихчилар буюк шоҳ фаолиятига оид воқеаларни ўз асарларида батафсил ёритиб бердилар⁸.

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги мукаммал асар бўлиб, буни тарихчи Абдураззоқ Самарқандий “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида алоҳида қайд этади⁹. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си Амир Темур феноменининг ёзма адабиётдаги трансформацияси акс этган энг ҳақиқатга яқин ва мукаммал дастлабки ёзма манбалардан биридир.

Мазкур асарлар араб ва форс тилларида яратилган бўлиб, кейинги даврларда уларнинг туркий тилга бир қатор таржималари амалга оширилди. Хусусан, Шарафиддин Али Яздий асарининг Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан бажарилган ўзбекча таржимаси баён услуби раvon экани ва соддалиги билан ажралиб туради. У XVI аср ўзбек насрининг йирик ва жонли намунасидир.

Алишер Навоий ҳам Амир Темур номини беш асарининг саккиз жойида эҳтиром билан тилга олади. “Ҳайратул-аброр” достонида “*Тўрт улус хони Темур Кўрагон*”, “*жаҳон хони Темур Кўрагон*”, “*Фарҳод ва Ширин*”да “*Темурхон*”, “*Муҳокамат ул-луғатайн*”да “*Султони соҳибқирон Темур Кўрагон*”, “*Муншаот*” ҳамда “*Насойим ул-муҳаббат*”да турк авлиёларидан Хожа Боязид ва Бобо Сунгу зикридаги бобларда “*Темурбек*” номлари билан эсланган¹⁰. Бу тўғрида адабиётшунос Олимжон Давлатов Навоий асарларида Амир Темур номи зикр этилган ҳолатларни қуйидагича тасниф этади: 1) муайян ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик масалаларнинг талқини жараёнида Амир Темурни мисол келтириш; 2) Амир Темур билан боғлиқ ривоятсимон ҳикоятлар; 3) Амир Темур ҳаётидан тарихий лавҳалар; 4) турк машойихининг Амир Темур билан боғлиқ кечган қароматлари¹¹.

Соҳибқирон феноменининг ёзма адабиётга трансформациясида халқ оғзаки ижоди ҳам алоҳида ўринга эга. Халқ ўз қаҳрамонларини улуғлаб, улар ҳақида кўшиқлар, афсоналар, қисса ва дostonлар яратган. Халқ қаҳрамонлари образининг фольклордан ёзма адабиётга ёки ёзма адабиётдан халқ оғзаки ижодига кўчиши тарихий шахслар феноменини бадий асарларга трансформация бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

⁸ Низомиддин Шомий. Зафарнома (форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов). – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 528; Яздий, Шарафуддин Али. Зафарнома (Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов.) Тошкент: Шарк, 1997. – Б. 384; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи У.Уватов). – Тошкент: Меҳнат, 1992, – Б. 327;

⁹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. Тошкент, “Фан”, 1969, – Б. 337

¹⁰ Давлатов О. Алишер Навоий ва Амир Темур // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2013 йил 5 апрель.

¹¹ Ўша манба.

XVIII–XIX асрларда Амир Темур образи насрий адабий асрларда ўз ифодасини топа бошлади. Ана шундай асарлардан бири 1712 йилда Мирзо Румузнинг форсийда ёзилган “Темурнома”си¹² бўлиб, асар Амир Темур феномени акс этган муҳим адабий манба ҳисобланади. Муҳаммадхожа бин Жаъфархожанинг 1706-1713 йилларда яратилган “Достони Амир Темур” асари ушбу туркумнинг туркий (ўзбек) тилдаги илк намунаси бўлиб, асар тили халқ тилига жуда яқин¹³. Шунингдек, XX аср бошларида тошкентлик адиб Салоҳиддин Тошкандий томонидан ёзилган “Жангномаи Амир Темур Кўрагон” асари ҳам ўзбек тилида яратилган бўлиб, у Амир Темур образи акс этган мукамал адабий манба ҳисобланади¹⁴.

Шундай қилиб, Амир Темур сиймосини ёзма манбаларга трансформацияси Соҳибқироннинг ўз замонаси даврида тарихий асарлардан бошланиб, кейинги даврларда эса адабий асарларда давом этганлигини кўришимиз мумкин.

Бобнинг “*Темурнома*”ларнинг матн тарихи ва талқини масаласи” деб номланган иккинчи фаслида матн тарихи ва таҳририга доир назарий қарашлар тадрижи, “Темурнома”лар матн тарихи ва талқини масаласи ўзбек мумтоз адабиётида яратилган бошқа насрий намуналар билан умумий белгилари ўрганилди.

Ўзбек адабиёти тарихида Амир Темурга бағишланган бадиий асарлар – ҳикоя, қисса, дoston каби жанрларда Темур образининг турли хил талқинлари ва туркумлари яратилган. Тарихий асарларда ушбу образининг ўзига хос туркуми яратилган бўлса, адабий асарларда ҳам унинг ўзгача бир талқини яратилди. Амир Темурга бағишлаб ёзилган бадиий асарларда ҳам халқ тафаккуридаги образлар туркуми яратилган бўлиб, бу Темур шахсиятининг халқ тафаккуридаги баҳосидир.

Мазкур бадиий асарлар Республикамиз қўлёзмалар фондида, музей ва кутубхоналарида узоқ вақтлардан бери сақланиб келинмоқда. Ушбу манбаларнинг матний тадқиқи ҳамда ғоявий-мавзуий хусусиятларини ўрганиш Амир Темур шахсига муносиб баҳо бериш вазифасини қўяди.

Соҳибқирон ҳақидаги ана шундай қўлёзма манбалардан бири Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожанинг “Достони Амир Темур” асари бўлиб, муаллиф унинг яратилиши тўғрисида қуйидагича маълумот беради:

“...хоқон ибнул хоқон абул музаффар вал мансур Саид Амир Ёдгор Муҳаммад Баҳодирхон замонларида амири одил, уламоу омил вақтларида бу камтарин уммат Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа бир неча рақам таҳрир қилмоқ орзу қилиб Хоразм амирларига тонгсуқ ҳикоят ва ширин ривояти тамонно ва орзу қилғон учун сойир содотий уламо бир неча ажзо ва авроқ сафҳасиға сув окузур бўлдум, илоҳи, кўнглимизға нусрат ва тилга

¹² Ушбу асарнинг ўнлаб нусхалари Ўзбекистон ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланади: Инв.№ 1526, 699, 1502/І, 1502/ІІ, 2602, 1501, 2602, 4817, 4436, 5657, 3627, 4890, 698/ІІІ

¹³ Асарнинг XIX асрда кўчирилган бир қатор нусхалари Ўзбекистон ФА ШИ фондида сақланади: Инв.№5738, 7737, 5398/І, 9200/ІІІ, 4105/ІІ, 6443/ІІ, 185/І, 6537 ІІ, 3987, 290.

¹⁴ Асар 1910 йилда “Ильин” босмахонасида босилган. Асар 1991 йилда темуршунос олим Поён Равшанов томонидан нашр этилган.

кувват ва сўзга шуҳрат бергайсен омин бироббил оламин”¹⁵.

Ушбу манбада Соҳибқирон Амир Темур ва у билан боғлиқ воқеалар халқ китоблари услубида баён этилган. Асар насрий қисса шаклида бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳаёт йўли бадиий талқин этилган. Китобни яратишда, аввало, тарихий, бадиий ва диний асарлардан ижодий фойдаланилган. Қўлёманинг баъзи саҳифаларида айрим сўзлар бўялган. Асар “*Достони Амир Темур Кўрагон наввароллоҳу марқадаҳу*” жумлалари билан ибтидо топган. Қўлёманинг муқаддима қисми мумтоз адабиётда мавжуд бўлган ҳамд ва наът билан бошланади. Саҳифаларда пойгир бериб борилган. Асар равон ва халқона услубда битилган. Ушбу адабий манбанинг бизгача ўндан ортиқ нусхалари етиб келган ва бу манбаларнинг ЎЗР ФА ШИ ва Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи фондидаги нусхаларини қиёсий ўрганиш 5738 рақамли нусха нисбатан тўлиқ ва бешикаст етиб келганини кўрсатади.

Бизнингча, Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожанинг “Темурнома”ни ёзишига ўз даврининг ижтимоий муҳити туртки бўлган. Асар ёзилгунга қадар (1713) туркий тилда бирорта ҳам “Темурнома”лар яратилмаган ва форсийзабон халқларда бир қанча “Темурнома”лар мавжуд эди. Айни шу ва бошқа омиллар ижодкорда Соҳибқирон тўғрисида туркий бадиий асар ёзиш орзусини уйғотган кўринади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги яна бир адабий манба Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб “Темурнома” бўлиб, унинг ёзилган йили ва сабаблари ҳақида асарда шундай маълумотлар келтирилган: “Тарихнинг бир минг уч юз йигирма еттисида, товук йилида Тошканд мамлакатлик аҳқарулуббод Мулло Салоҳиддин хожа бинни Мулло Алоуддин хожа эшон айтурким, бу “Темурнома”ни бир неча қардошларнинг илтимоси билан туркий тилида тартиб бермоққа кўшиш қилдик”¹⁶.

Кўринадикки, муаллиф ушбу асарни туркий тилда тартиб бердим, дейди. Ўйлашимизча, ижодкорининг мақсади туркий “Темурнома”лар кўламини кенгайтириш бўлган. Юқорида икки манбанинг қиёси асар сюжети ва қаҳрамонлар номи бир-бирига жуда яқин эканини кўрсатади. Муҳаммадхожа бин Жаъфархожанинг Хоразм адабий муҳитида яратилган “Темурнома”си халқ китоблари услубида ёзилган бўлиб, Салоҳиддин Тошкандий “Темурнома”сидан қарийб икки аср олдин ёзилган. Демак, Салоҳиддин Тошкандий Муҳаммадхожа бин Жаъфархожанинг халқ достонлари услубидаги “Достони Амир Темур” асари билан яқиндан таниш бўлган.

“Темурнома”ларнинг матн тарихини ёритишда унинг ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнида қўллайдиган усуллари муҳим ўрин тутди. “Темурнома”ларда бадиий-тарихий насрга хос ютуқлардан кенг фойдаланиш тамойили кузатилади. Шулардан бири сифатида бадиий-

¹⁵Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа. Достони Амир Темур. Қўлёмна. Ўз ФА ШИ асосий фонди. Инв.№5738. – Б. 2^а

¹⁶ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 17.

тарихий наср архитектуроникасида архетиплардан¹⁷ фойдаланиш тамойилидир. Архетип дейилганда инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган турғун “схема”лар, конструкциялар, қолиплар тушунилиб, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкин бўлади. Архетип конструкция ва схемалардан ўзига хос “сюжет ва сюжет ҳолатлари” жамғармаси ҳосил бўладики, улар асардан асарга, даврдан даврга кўчиб юради¹⁸. Масалан, Қуръони Карим қиссаларидаги “Фиръавн – сеҳргар-фолбинлар – Мусо алайҳиссалом” схемаси Темурномаларда “етти иқлим ҳукмдорлари – сеҳргар-фолбин вазирлар – Соҳибқирон” каби схемада талқин топганини кўриш мумкин. Шунингдек, “Темурнома”ларда бўлажак ҳукмдорнинг илоҳий каромат соҳиблари¹⁹ томонидан танланиши эпизодига ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, дostonларнинг таъсирини кўриш мумкин. Амир Темурнинг ғайб эранлари томонидан Соҳибқирон сифатида танланиши воқеалари халқ дostonлари сюжетига монанд тасвирланган.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги адабий манбалардан Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа қаламига мансуб қўлёзма манба ривоятлар услубида ёзилган тарихий қиссага, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асари эса илмий-оммабоп-тарихий асарга яқин турса-да, уларни *бадий-тарихий наср* (таъкид бизники – А.А) дейишимиз мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Темурнома”ларнинг манбалари ва адабийлик характери**” деб номланган иккинчи бобида Амир Темурга бағишлаб ёзилган дostonларнинг манбалари тадқиқ этилиб, тўпланган манбаларнинг тавсифи ва адабийлик характери ўрганилди. Ушбу бобнинг *“Темурнома”ларнинг қўлёзма ва тошбосма манбалари илмий тавсифи*” деб номланган биринчи фаслида юртимиз фондларида сақланаётган туркий (ўзбек) ва форсий тилларда яратилган Амир Темур феномени бадий талқин этилган қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг илмий тавсифи берилди.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондларини кўздан кечирганимизда “Темурнома”ларнинг ўнга яқин туркий (ўзбек) тилдаги қўлёзмалар мавжудлиги маълум бўлди. Ушбу қўлёзма ва тошбосма нусхалар ҳозиргача матншунослик нуқтаи назаридан қиёсий-матний тадқиқ этилмаган ва илмий тавсиф қилинмаган.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 5738, 4105/П, 185/І, 7737,

¹⁷Архетип – (грек. arche-ибтидо ва typos (намуна) первообраз) термини Платон томонидан муомалага киритилган. Кейинчалик К.Г. Юнг ушбу терминни замонавий илмий талқин этади. Архетип дейилганда инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган турғун “схема”лар, конструкциялар, қолиплар тушунилиб, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкин бўлади. Архетип конструкция ва схемалардан ўзига хос “сюжет ва сюжет ҳолатлари” жамғармаси ҳосил бўладики, улар асардан асарга, даврдан даврга кўчиб юради (Қаранг: Боров Ю. Эстетика. Теория литературы: Энциклопедический словарь терминов. – М.: ООО «Издательство Астрель», 2003, – С.45-47; Теоретико-литературные итоги XX века. Том 2. Художественный текст и контекст культуры. – М.: Наука, 2003, – С.284-319; Д.Қуронон ва бошқ. Адабиётшунослик терминлар луғати. – Тошкент: Академнашр, –Б.38.)

¹⁸ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. – Б.73.

¹⁹ Илоҳий каромат соҳиблари Салоҳиддин Тошкандий асарида “рижолу-л-ғойиб”, Муҳаммад Жаъфархожа асарида “чилтанлар” ва “мардони ғойиблар” тарзида берилди – А.А.

5398/I, 9200/III, 6443/II рақамли қўлёзмалар ва 290 рақамли тошбосма ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейидаги 546/VI рақамли қўлёзма нусхаларнинг тавсифини ҳар бир қўлёзманинг хусусиятидан келиб чиқиб маълумот бердик. Ушбу манбалар “Қиссаи Амир Темур”, “Достони Амир Темур”, “Қиссаи Баёнқулихон ва Амир Темур”, “Достони Амир Темур Соҳибқирон”, “Жангномаи Амир Темур Кўрагон” ва “Темурнома” номлари билан бизгача етиб келган. 5738, 4105/II, 185/I, 7737, 546/VI рақамли қўлёзмаларнинг муаллифи Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа бўлиб, Хива хони Сайид Ёдгор Муҳаммад кўрсатмаси билан 1706–1713 йилларда Хоразм адабий муҳитида яратилган ва XVIII–XIX асрларда бир неча бор қайта кўчирилган. Мазкур қўлёзмалардан 5738 рақамли нусха ҳижрий 1304 (милодий 1886) йилда номаълум хаттот томонидан настаълиқ хатида кўчирилган.

5738, 4105 ва 185/I рақамли нусхалар айнан бир хил. Фақатгина 4105 ва 185/I нусхаларда насрий “Басмала”дан сўнг ҳамд ва наът қисмлари хаттот томонидан тушириб қолдирилган. 185/I рақамли қўлёзманинг эътиборли жихати шундаки, ушбу қўлёзма манбада Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам”, “Чор девон”, “Хамса” асарлари, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”, шунингдек, “Ўғузнома” достонлари ҳам ўрин олган. Текширишлардан “Темурнома” кейинги даврларда ушбу манбага бириктирилгани маълум бўлди. Чунки Алишер Навоий, Дурбек асарлари ва “Ўғузнома” достони жуда сифатли қоғозда ва турли безаклар бериб ёзилган. “Темурнома” эса безакларсиз, бироз сифати яхши бўлмаган қоғозда ёзилган. Бундан ташқари, у қўлёзма манбанинг бошида кейинчалик бириктириб муқовалангани сезилиб турибди.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейидаги 546/VI рақамли қўлёзма нусха *داستان امير تيمور صاحب قران* (“Достони Амир Темур Соҳибқирон”) деб номланиб бу ҳам айнан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фондида сақланаётган 5738, 4105 ва 185/I рақамли қўлёзма манба билан ҳар жихатдан ўхшаш.

290 рақамли тошбосма *چنگنامه امير تيمور كوركان* (“Жангномаи Амир Темур Кўрагон”) деб номланиб, асар муаллифи Салоҳиддин Тошкандий. Тили ўзбекча. Мирзо Аҳмад қори томонидан настаълиқ хатида кўчирилган. 1328/1910 йилда Ильин босмахонасида босилган бўлиб, 368 бетдан таркиб топган.

“Темурнома”ларнинг ЎЗР ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган форсий тилдаги 3598/II, 1501, 2602, 4817, 4436, 5657, 3627, 4890, 1526, 1502/I, 698/III, 7390, 2204, 3731 рақамли қўлёзма ва тошбосма манбаларининг ҳам тавсифи берилди. Ушбу форсий “Темурнома”лардан 3598/II, 1501, 1526 рақамли қўлёзмаларнинг муаллифи Мирзо Румуз бўлиб, манба 1124/1712 йилларда яқунлаган. Асар Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақидаги тасвирлар билан бошланади. Кейин унинг кўпгина афсонавий қирралари баён этилиб, Бухоро амирлигигача рўй берган воқеалар ёритилади. Муаллифининг айтишича ушбу “Темурнома” қуйидаги асарлар асосида ёзилган: Ҳофиз Абруйнинг “Тарихи Шохрухий”, Рози қози Сафавийнинг

“Низом ат-таворих”, “Тарихи Фаррухшоҳий”, Шайх Амири Кабирнинг “Тарихи Жаҳонгир”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Абдулло Хотифийнинг “Темурнома”, Мулла Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи Абдуллахон”, Аҳмад Фуқароннинг “Рисолаи Муллозода”.

698/Ш, 7390 рақамли форсий кўлёмалар эса Мирзо Румузнинг асаридан биров фарқ қилади. Муаллифи номаълум. Форсий тилда. 1270/1853 йил кўчирилган.

3731 рақамли тошбосма *تيمورنامه* (“Темурнома”) деб номланган. Бу қисса форс-тожик тилида ёзилган. 1920 йили Тошкентда Туркистон давлат нашриётида тошбосма усулида 1000 нусхада нашр этилган. Китобда асарнинг муаллифи кўрсатилмаган. Котиби ҳам номаълум. У насрий асар, бироқ таркибида анчагина шеърлар ҳам мавжуд.

Бобнинг “*Темурнома*”лар – *адабий манба сифатида*” деб номланган иккинчи фаслида “Темурнома”лардаги мумтоз поэтик анъаналар ўрни кўрсатилган. “Темурнома”ларнинг бадий хусусиятлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ҳар қандай асар жозибасини таъминловчи асосий восита ҳисобланувчи тил ҳақида сўз юритиш зарурати сезилади. Негаки, асар ютуғини таъминлашда тил ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асар тилини ўрганмасдан на образ, на сюжет ва на композиция ҳақида гапириб бўлади. Бинобарин, санъаткорнинг тилдан, унинг ифода имкониятидан маҳорат билан фойдаланиши асарнинг бадий қимматини белгилайди. Амир Темур ҳақидаги қиссаларни ана шу жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим илмий ҳулосаларга олиб келади. “Темурнома”ларда асар тилининг мукамаллигига алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ҳам шоир ва қаҳрамонлар нутқида ўринли қўлланилган иборалар асарнинг асосий ғоя ва моҳиятини ўқувчига таъсирчан ва бадий шаклда етказишга хизмат қилган. “Темурнома”ларда туркий адабий тил бутун жозибаси, кенг ифода имконияти, бадий-эстетик қуввати билан намоён бўлади. “Темурнома”ларнинг халқчиллиги унинг мазмунида, айниқса, тил ва услубида яққол кўзга ташланади. Шу жиҳатдан “Темурнома”лар дастлабки қислашдаёқ бошқа бадий-тарихий асарлардан фарқ қилади. У жуда содда ва раван услубда, кенг халқ оммаси учун тушунарли тилда битилган, умумхалқ тилининг бой услубий имкониятларидан, ундаги эмоционал лексиканинг гўзал намуналаридан кенг фойдаланилган. Асар матнида кам қўлланган айрим сўзларни истисно қилганда, у бугунги китобхон учун ҳам тамоман тушунарли экани кўринади.

Ўзбек адабиёти тарихида насрий мероснинг салмоғи жиҳатидан XVII – XIX асрлар энг юқори ўринда туради. Бу мерос дастлаб шу йўналишда яратилган маълум асарлар асосида шаклланиб бўлса-да, кейинчалик тарихий давр, атроф-муҳитдаги воқеаларни ўзига хос тарзда бадий акс эттириши билан янги бир адабий хазинага айланди. “Темурнома” муаллифлари асосий эътиборини юз берган воқеликни ўзига хос поэтик талқинда, чинакам сўз санъати даражасида ифодалашга қаратади. Ўз жумла ва ибораларининг назм каби оҳангдор, таъсирчан ва ёдда қоладиган шакл олишига эришишади.

Бунда муаллифлар сифатлаш (эпитет), истиора, ўхшатиш, муболоға, перифраза, такрор, сажъ сингари бадий тасвир воситаларидан кенг кўламда фойдаланишган.

Бундан ташқари, “Темурнома”ларда назмдан ҳам унумли фойдаланилган. Асарда воқеалар ривожи, асосан, насрда берилган бўлса, муаллифнинг воқеликка муносабати, қиссада акс этган тасвирлар асосида туғилган ҳаётий хулосалари, қаҳрамонларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, Аллоҳга, улуғ пир ва шайхларга мурожаатлари назмий шаклда ифодаланади. Насрий матн орасига киритилган шеърларнинг бир гуруҳи насихат ва маъвизалардан иборат бўлиб асарнинг турли ўринларида бериб борилган.

Салоҳиддин Тошкандийнинг “Амир Темур жангномаси”да назмга анча кенг ўрин берилган бўлиб, унинг умумий кўлами 665 байтни ташкил этади ва улар байт (27 та), тўртлик (27 та), қитъа (6 та), маснавий (48 та), рубоий (21 та), ғазал (16 та), таърих (1 та) жанрларида истифода этилган. Достонни нашрга тайёрлаган олим П.Равшанов асардаги шеъринг парчаларга муносабат билдириб, “...асарда берилган 1030 мисра шеърнинг асосий қисми Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансубга ўхшайди. Бундай дейишга маълум асослар бор. Муаллиф кимдан шеър келтирмоқчи бўлса, албатта, шоир номини тилга олади. ... Амир Темур, унинг ўғиллари Мирзо Шохрух, Мироншоҳ, Шох Шужоъ, Шайху-л-аълам ва бошқа тарихий шахсларнинг номидан келтирилган шеърлар, шубҳасиз, Салоҳиддин Тошкандийнинг ўз ижодига оид”²⁰ эканини таъкидлаб ўтади.

“Темурнома”лар бадииятига хос хусусиятлардан яна бири уларда бир қатор адабий сиймолар образининг акс этишидир. Хусусан, уларда Соҳибқироннинг Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий ва бошқа ижодкорлар билан алоқалари тўғрисида ҳам ибратли лавҳалар мавжуд.

Муаллиф “Темурнома”ларда қуйидаги ўринларда назмга мурожаат этади: 1) *жанг саҳналари тасвирида, насрда келтирилган маълум фикр ва қарашларни далиллашида; 2) маълум бир воқеликни фалсафий хулосалашида; 3) айрим сюжет ёки тасвирни шеър орқали ифода этишида; 4) асардаги қаҳрамонлар ва уларнинг ички кечинмаларини ифодалашида; 5) воқелик ва қаҳрамонлар тасвири учун бошқа ижодкорлар шеърлари воситасида муносабат билдиришида.*

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган қисса-достонларни тўлиқ адабий асар сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир “Темурнома”ларда севги-муҳаббатга оид сюжетларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Бу асарлар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид адабий манбалар сифатида ўрганилиши халқ оммасининг Амир Темурга муносабатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Темурнома”ларнинг текстологик тадқиқи” деб номланган учинчи бобнинг *“Темурнома”ларнинг матний хусусиятлари тадқиқи*” сарлавҳали биринчи фаслида матний тадқиқ учун Саид Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа

²⁰ Темурнома. – Б.18.

каламига мансуб “Достони Амир Темур” асарининг уч нусхаси тадқиқот объекти сифатида олинди²¹.

5738 рақамли қўлёзма воқеалари халқ китобларининг тузилишига хос бўлган “Ҳикояти ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддиси достони кўҳан ва ҳаддаса чунони суҳан, аммо ноқилони дафтару ровиён ширин мўътабар ҳикоят ва сўз андоғ таъйин қилурларким[2^a-2^b]” ва шу каби анъанавий қолип жумлалар билан бошланади. Халқ китобларида асар бобларининг бошланма қисмида “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким” каби қолип жумлаларнинг қўлланиши ўзига хос анъана бўлиб, бу насрий қиссаларга ҳам хос хусусиятдир²².

Шунингдек, бир воқеадан иккинчи бир воқеа баёнига ўтишда “*Алқисса, кунлардан бир кун*”, “*Алқисса*”, “*Ровийлар андоғ ривоят қилурларким*”, “*Филҳол*” каби анъанавий бошланма қолип жумлалар ҳам кенг қўлланилади. Улар нафақат фасллар бошланмаларида, балки фасллар ичида, маълум воқеаларнинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида муаллифнинг таъкидни кучайтириш, алоҳида сўз ҳамда фикрга урғу бериш мақсадида ҳам қўлланилган.

Қўлёзма нусхада хаттот томонидан тушириб қолдирилган сўзлар “қанотча” белгиси билан ҳошияда бериб борилади. Масалан, манбанинг 1^b саҳифасининг бешинчи қатордаги “...ақлу хуш ва фаҳму идрок зеҳн *бирла ўзини* тонутти...” гапида “*бирла ўзини*” сўзи асосий матндан тушиб қолган ва хаттот бу сўзни “қанотча” белгиси билан ҳошияда беради. Худди шу каби ҳолатлар қўлёзманинг 7^a, 8^a, 29^a, 100^a, 104^a саҳифаларида айрим сўз, бирикма ва жумлалар “қанотча” белгиси остида ҳошияда берилган. Асарда келтирилган 12 та шеър “байт” сарлавҳаси остида ҳар бир мисраси учта қизил нуқта билан ажратиб кўрсатилган.

Маълумки, ўзбек мумтоз насри арабий ва форсий сўзларнинг кўп қўлланиши билангина эмас, бу тиллардаги микромаънолардан кенг қўламда истифода қилиниши билан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу ҳолат 5738 рақамли нусхада ҳам кўп учрайди. Асар матнидаги арабий киритмаларни куйидагича таснифлаш мумкин: 1) *Қуръони Карим оятлари*; 2) *Ҳадиси шарифлар*; 3) *анъанавий дуолар*; 4) *анъанавий шарафлаш калималари*.

185 рақамли қўлёзмада эса анъанавий қолип жумлалар 5738 рақамли қўлёзма нусхадаги каби матндан ажратиб қизил сиёҳ билан ёзилмаган. Унда ҳам асосий матндан тушиб қолган сўз ва жумлалар котиб таҳрири билан ҳошияда “қанотча” белгиси остида берилади. Қўлёзмада котиб таҳрирининг ўзига хос томони шундаки, унда сўз, жумла ва гаплар билан бир қаторда бир неча гапдан иборат матнлар ҳам тузатиш сифатида ҳошияда берилган.

4105 рақамли қўлёзмада асар матни 7^b-саҳифадан бошланади. Мазкур қўлёзмада ҳам қайта таҳрирда қанотча белгиси билан тузатиш қилинган. Назмий парчалар эса турли кўринишда берилган. Айрим шеърлар “байт” сарлавҳаси билан жадвалда берилган бўлса, бошқалари 5738 нусхадаги каби

²¹ Муҳаммадхожа бин Жаъфархожа. Достони Амир Темур. Қўлёзма. Ўз ФА ШИ фонди. Инв.№5738; 4105; 185.

²² Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.157.

уч нукта билан ажратилган. Арабий, форсий микроматнлар қизил сиёҳда кўчирилган ёки матн ости қизил рангда ажратиб кўрсатилган.

“Темурнома”ларнинг барчасида таълиқ ва настаълиқ ёзувида битилган қўлёзмаларга хос бўлган палеографик белгиларнинг аксарияти кузатилади. Улар куйидагиларда кўринади: 1) муайян сўз ёки жумла бир қўлёзманинг ўзида турли шаклда ёзилган; 2) турли ҳарфларга тегишли нуқталар айрим ўринларда йиғма ҳолатда берилган; 3) кўпчилик ҳарфларнинг нуқталари чала қўйилган ёки умуман қўйилмаган ҳолатлар мавжуд; 4) айрим сўзлар бири-бирининг устига мингаштирилган ҳолда ёзилган; 5) қўшимчалар баъзан сўзга қўшиб, баъзан сўздан ажратиб ёзилган; 6) айрим “Темурнома”ларда س (син) ҳарфи тишсиз ёзилиб остига уч нукта қўйилган; 7) پ (пе), چ (чим) ва گ (гоф) ҳарфлари ҳамма ўринларда ب (бе), ج (жим) ва ك (коф) шаклида битилган; 8) сатр усти ва сатр ости белгилари қўлланмаган.

Бундай ҳолларда муайян қўлёзма матни айна асарнинг бошқа нусхалари билан қиёслаш орқали, шунингдек, асарда тасвирланаётган воқелик мазмунидан келиб чиқиб тикланди.

